

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРЗАҚОВА УМИДА НОСИРЖОНОВНА

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланишни оптималлаштириш имкониятлари**

**11.00.05 –Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Умурзақова Умида Носиржонова

Наманган вилояти ер ва сув ресурларидан фойдаланишни оптималлаштириш
имкониятлари.....3

Умурзақова Умида Носиржонова

Возможности оптимизации использования земельных и водных ресурсов
Наманганского вилоята.....21

Umurzaqova Umida Nosirjonovna

Possibilities of optimization of the use of land and water resources in Namangan
region.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРЗАҚОВА УМИДА НОСИРЖОНОВНА

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланишни оптималлаштириш имкониятлари**

**11.00.05 –Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Gr52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камалов Баҳодир Асомович
география фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳикматов Фазлиддин Хикматович
география фанлари доктори, профессор

Тўхтаева Ҳабиба Тошевна
география фанлари номзоди (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил 19 декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил 19 декабрдаги 36 - рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим илиши жараёни ва аҳолининг кўпайиб бориши билан унинг ер ва сув ресурсларига бўлган талаби ва, ўз навбатида, уларнинг тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадлари тўғрисидаги ҳисоботида «...ерларнинг деградацияси ва тупроқ унумдорлигининг пасайиши давом этмоқда ва бу жараён, нафақат барча мамлакатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, балки уларнинг хафсизлигига ҳам таҳдид солади»¹, деб таъкидланади. Ер ва сув ресурслари тақчиллигининг ортиб бориши сув манбаларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари тадқиқ этишни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, қишлоқ хўжалигида суғоришнинг сувтежамкор усуллари қўллаш, суғориладиган ерларда эрозия ва шўрланишнинг олдини олиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали унумдорлигини тиклаш ва ошириш, сувни кам талаб этадиган интенсив агротехнологияларни қўллашга алоҳида устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш имкониятларини аниқлаш, уларни амалиётда қўллашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер-сув ресурсларини тежаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу соҳада ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони билан тасдиқланган «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси»да «атроф-муҳит объектлари бўлган сув, ер, тупроқни антропоген ва бошқа таъсирлардан сақлаш, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни қўллашни органик ўғитлар билан босқичма-босқич алмаштириш»² каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, хусусан, Наманган вилоятида ер ва сувдан фойдаланишда худуднинг рельефи, тупроқлари ва грунт сувларининг хусусиятларини инобатга олиш, суғорма деҳқончилик оқибатида келиб чиқаётган экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года.
www.undp.org/content/uzbekistan/ru/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 12 январдаги ПҚ-4941-сон «Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўрғоқчил ҳудудлар сув ресурсларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар таниқли хорижлик олимлардан J.Tikseront, L.V.Wilcox, I. Czabolcs, F. Hitoshi, Z.W.Kundzewicz, L. Uрман, W. Cofino, R. Clarke, J. Kihg, J. Rodda, Г.В.Воропаев, И.А.Шикломанов, Д.Я.Раткович, И.П.Айдаров, Л.В. Кирейчева, Г.Х.Исмайилов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Мазкур мавзу доирасида мамлакатимизда В.Л.Шульц, И.А.Ильин, Н.Р.Хамроев, В.А.Духовний, В.Е.Чуб, А.А.Рачинский, Э.Ж.Маҳмудов, М.А.Якубов, Л.З.Шерфединов, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, Б.А.Бахритдинов, Д.Ёрматова, А.С.Баратов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Ер ресурсларини ўрганиш, улардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш масалалари С.С. Неуструев, Н.В. Кимберг, М.А. Панков, З.М.Акрамов, А. Мақсудов, Н.И. Сабитова, Ю.И.Ахмадалиев, К.М.Боймирзаев, Э.А. Аҳмедов, С.А.Ковалев, К.И.Лапкин каби олимлар асарларида ёритилган. Бирок, юқорида қайд этилган тадқиқотларда маълум ҳудудларда дарёлардан олинган сувнинг сарфланишига етарлича эътибор берилмаган. Натижада, баъзи ҳудудларда шўрланиш, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида ўзаро ёндош ҳудудлар орасида юзага келган номутаносиблик масалалари етарлича ёритилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01-сон «Фарғона водийси табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва юзага келган экологик муаммоларни бартараф этиш имкониятлари» (2013-2016 йй.), ИТД-7-29 рақамли «Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» (2012-2014 йй.) ва ОТ-А-ҚХ-2018-471 «Деградацияга учраган тупроқларнинг кузги дон-дуккакли экинларни етиштириш орқали унумдорлигини ошириш агроэкобиотехнологияси (Наманган вилояти мисолида)» (2018-2021 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилоятида ер ва сувдан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини атроф-муҳит муҳофазаси

нуқтаи назаридан оптималлаштириш имкониятларини баҳолаш ва уларнинг натижалари асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Наманган вилояти табиий шароити ва иқлимий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни статистик таҳлиллар асосида баҳолаш;

вилоятда ер ва сув ресурслардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятларининг устувор йўналишларини аниқлаш;

вилоят ҳудудида амалга оширилган суғорма деҳқончилик тадбирлари натижасида ҳозирги кунда юзага келган экологик оқибатларни баҳолаш;

вилоятда ер ва сувдан фойдаланишнинг атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назардан мақбул ҳисобланган имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятининг суғориладиган майдонларида фойдаланиладиган ер ва сув ресурслари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Наманган вилояти ер ва сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерларида фойдаланишни ҳозирги ҳолатини баҳолаш, бу жараёни атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан оптималлаштириш имкониятларини аниқлаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик таққослаш, картографик тадқиқот усуллари кенг қўлланилган. Метеорологик ва гидрологик маълумотлар математик статистиканинг стандарт усулларида таҳлил қилинган. Дарёлардан суғоришга олинган сувларнинг сарфланиши сув баланси усули ёрдамида аниқланган. Тупроқ унумдорлигини биологик ошириш имкониятлари экспериментал яъни дала тажриба усуллари қўллаш асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида озик-овқат маҳсулотларини етиштириш учун экин майдонларини тақсимлашни аҳоли жон бошига белгиланган тиббиёт меъёрлари асосида амалга ошириш имкониятлари асосланган;

вилоят деҳқончилигида, эгатлаб суғориш натижасида юзага келаётган шўрланиш жараёни ва грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида, ҳосилдорликнинг камайиш даражаси баҳоланган;

гидрологик маълумотларга асосланган ҳолда, суғоришга олинган сувнинг 80-95 фоизи коллектор-зовур тизими орқали дарёларга қайтарма оқим сифатида қайтиши аниқланган;

вилоят ҳудуди, қишлоқ хўжалиги мақсадларида суғоришга олинган сувнинг экин майдонларида сарфланиши ($\text{м}^3/\text{га}$) ва коллектор-зовур тармоқлари орқали дарёларга қайтиши (млн м^3) кўрсаткичлари асосида, районларга (юқори, ўрта, қуйи) ажратилган;

тупроқ ҳосилдорлигини тиклаш ва янада ошириш имкониятлари экин майдонларининг 40-45 фоизини озуқабоп экинларга ажратиш асосида чорвачиликни ривожлантиришга боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«БМТ Минг йиллик декларацияси»³ талабларига мувофиқ, вилоят ҳудуди кўп йиллик маълумотлар асосида, сувдан фойдаланиш тамойиллари бўйича районлаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун олинган сувнинг катта қисми коллектор-зовурлар тизими орқали дарёларга қайтишини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

ерларни сув эрозиясидан, иккиламчи шўрланишдан сақлаш, сув ресурсларини тежаш мақсадида сувтежамкор технологияларни биринчи навбатда тоғолди ҳудудларда, айниқса боғдорчиликда қўллаш дастурлари ишлаб чиқилган;

вилоятда ер ва сув ресурсларидан экологик нуқтаи-назардан оптимал фойдаланиш имкониятларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги ишда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет), Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларида амалга оширилган стандарт кузатишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва уларнинг вилоят бошқармалари маълумотларидан фойдаланилганлиги ва уларни қайта ишлаш математик статистиканинг умум қабул қилинган усуллари ёрдамида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан фойдаланишнинг экологик оптимал имкониятларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги, туманлар миқёсида суғоришга олинган сувнинг экинзорларда сарфланишини баҳолашнинг такомиллаштирилган усуллари таклиф этилганлиги, шунингдек, улардан амалиётда фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар таклиф этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уни амалга оширишда олинган натижалар экин майдонларига суғориш мақсадида олинадиган сув миқдорини режалаштиришга, улардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Бу борада ишда қўлланилган усуллар бошқа ўхшаш ҳудудларда ер ва сувдан фойдаланишни таҳлил қилишга ҳамда ишнинг материаллари олий таълим муассасаларининг тегишли йўналишларида ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг оптималлаштириш имкониятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Наманган вилоятининг ер ва сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси ва тақсимооти асосида, экин майдонларини аҳоли озиқ-овқат

³ Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций. 2000. <https://www.un.org>

таъминотининг тиббиёт меъёрларига кўра амалга ошириш усули Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида экин майдонларини экин турлари бўйича тақсимлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 майдаги 02/022-2223-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсия вилоят экин майдонларини истиқболли режалаштиришга аниқлик киритиш имконини берган;

экологик нуқтаи назардан сув ресурсларини тежаш ва тупроқ шўрланишини олдини олиш мақсадида эгатлаб суғориш майдонларида сувтежамкор суғориш технологияларини биринчи навбатда тоғолди ҳудудларда (боғдорчиликда) жорий этилиши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги 03-02/8-153-сон маълумотномаси). Натижада, шўрланиш ва грунт сувлари сатҳининг кўтарилишини олдини олиш, ер ва сув ресурсларидан келажақда самарали фойдаланишни ташкил этиш режаларига аниқлик киритиш имконияти яратилган;

адир ва адирорти ҳудудларига суғориш учун олинган сувнинг катта қисми ер остига шимилиб, Сирдарё бўйидаги ерларда юзага чиқиб, уларнинг 80-95 фоизи коллектор-зовурлар орқали қайтган сув сифатида дарёларга қуйилиши бўйича аниқланган натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги 03-02/8-153-сон маълумотномаси). Натижада, дарё сувлари ифлосланишининг олдини олиш ва фермер хўжаликларида сувдан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш имконияти яратилган;

вилоят ҳудуди, унинг рельефи таъсирида, суғоришга олинган сув сарфининг миқдори, сув олиш хусусиятлари бўйича учта районга ажратилиб, уларни экологик жиҳатдан ўзига хос, оптимал суғориш усуллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 майдаги 02/022-2223-сон маълумотномаси). Натижада, Наманган вилояти ҳудудида сувдан самарали фойдаланишни такомиллаштирилган тизимини яратиш имконини берган;

ерларнинг ҳосилдорлигини тиклаш ва кўтариш, уларни маҳаллий ўғитлар билан таъминлашни купайтириш мақсадида чорвачилик учун озуқа етиштирилишини кўпайтириш, экин майдонларининг 40-45 фоизини озуқабоп экинларга ажратиш зарурати бўйича асослаган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 25 майдаги 02/022-2223-сон маълумотномаси). Натижада, Наманган вилоятида озуқабоп экин майдонларини 10-15% га ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий – амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, мавзу доирасида нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Наманган вилояти табиий шароитининг ҳудуд ер ва сув ресурсларини шакллантиришдаги аҳамияти”** номли **1-бобида** Наманган вилоятининг табиий географик шароити, жумладан, вилоятнинг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, иқлими, гидрографик тармоқлари, ўсимлик ва тупроқ қопламлари ер-сув ресурсларини шакллантиришидаги ўрни нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Наманган вилояти географик жойлашувига кўра, Фарғона водийсининг шимолий қисмини эгаллаган. Ер ресурслари ва кадастр бошқармаси маълумоти бўйича, вилоятнинг умумий ер майдони 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 7439,44 км² ни ташкил этади. Рельефи Норин ва Сирдарёнинг ўнг соҳилларидан то водийнинг шимолий тоғ минтақасигача поғона шаклида кўтарилиб боради. Ҳудуднинг катта қисмини Чортоқсой, Подшоотасой, Косонсой, Сумсарсой, Кўксараксой, Ғовасой ва Чодаксойларнинг конуссимон ёйилмалари ишғол қилган.

Вилоят ҳудудининг геологик тараққиётида ороген босқичларнинг такрорланиши муҳим ўрин тутди. Натижада, бу ерда чўкинди жинсларнинг жуда қалин қатламлари жойлашган. Айрим жойларда уларнинг қалинлиги 11 км га етади. Тоғларга томон қалинлик кичрайиб боради. Бу ҳолат ҳудуд ер ости сувларининг шаклланиши ва динамикасини белгилайди.

Вилоят гидрографияси ҳам тектоник ҳаракатлар таъсирида рельефда юз берган ўзгаришлар натижасида шаклланган. Вилоятга шарқдан кириб

келадиган Норин ва Қорадарё ўзанлари, шимолдан кириб келган Подшоотасой, Косонсой, Говасой ва Чодаксойларнинг водийлари асосий гидрографик объектлардир. Улар орасида бир нечта кичик дарёлар – Чортоқсой, Қорасув, Кўксараксой, Олмоссой, Резаксой, Сарваксойларнинг водийлари ажралиб туради.

Вилоят иқлимнинг кескин континенталлиги сабабли, атмосфера ёғинлари кам ёғади; вилоят жанубида 150-200 мм, шимолга томон ортиб боради ва тоғолди ҳудудларида 400 мм гача етади. Иқлим илиши даврида ёғин миқдорининг ўзгариши статистик усулда баҳоланган. Натижада йиллик ёғин миқдорининг ўртача 0,28 мм/йилга тенг қийматда ортиб бораётганлиги аниқланган. Ёғин миқдорининг кўпайиши асосан куз (сентябрь, октябрь, ноябрь) ойларида хисобига тўғри келиб, 100 йилда 17 мм га тенг бўлди. Ҳаво ҳароратидаги ўзгаришлар ноябрь-март ойларида кучлироқ бўлиб, 0,03-0,05 °С/йилга тенг. Бу 100 йилда ҳароратнинг 3-5 °С га кўтарилганини билдиради. Ҳаво ҳароратнинг ўртача йиллик ўзгариши эса 0,026 °С/йил, яъни 100 йилда 2,6 °С ни ташкил этган.

Вилоят табиатининг яна бир муҳим компоненти - унинг тупроқларидир. Дехқончиликда ва боғдорчиликда фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисми бўз тупроқлардан иборат. Маълумки, улар гумуси кам, унумдорлиги паст тупроқлардир. Улардан юқори ҳосил олиш деҳқонларимиздан тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқ бўлган қўшимча меҳнат ва харажатларни талаб қилади. Диссертацияда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Вилоятнинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш”** деб номланган **2-бобида** Наманган вилояти ер ресурсларининг тоифалар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган ва ер ресурсларидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Наманган вилоятининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 743944 гектарни ташкил қилган. Вилоятда корхона, ташкилот, муассасалар, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар 718113 гектарга, шундан суғориладиган ерлар 282743 гектарга ёки умумий ер майдонининг 38 фоизига тенг. Шу билан бирга вилоятнинг, республика маъмурий чегараларидан ташқарида фойдаланадиган ерлари 619 гектар, бошқа туманлар, вилоятлар ва республиканинг Наманган вилояти фондидан фойдаланадиган ерлари эса 26450 гектарни ёки умумий ер майдонининг 3,6 фоизини ташкил қилади.

Мустақилликдан олдин вилоятда суғориладиган экин майдонларининг 66 фоизида пахта етиштирилган. 1987 йилда вилоятда 364 минг тонна пахта етиштирилган бўлиб, ундан 138 минг тонна тола ишлаб чиқарилган. Шундан вилоятда атиги 11,9 млн м² мато ишлаб чиқарилган, қолган тола Республикадан четга чиқариб юборилган. Натижада толани қайта ишлашдан келадиган қўшимча қиймат солиғи Россияда тўпланар эди. Аксинча, кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми вилоятга четдан келтирилган.

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин аста секин ўзгариб, пахта хом ашёси етиштириладиган майдонлар қисқариб борди. Ўтган 2018 йилда у 68,9 минг гектар майдонда етиштирилди. Дон, сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини етиштиришга эътибор кучайди. Чорва маҳсулотларини етиштириш кескин, аниқроғи 6-8 баробар ортди.

Тадқиқот жараёнида вилоят аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси Россия Тиббиёт Фанлари Академиясининг Овқатланиш институти меъёрларилари асосида аниқланган.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, 2018 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш 1987 йилга нисбатан кескин ошган (1-жадвал). Ҳозирги кунда Наманган вилоятида, Овқатланиш институти меъёрига нисбатан дон маҳсулотлари қарийб икки баробар кўп етиштирилади ва истеъмол қилинади. Сабзавот, полиз, мева ва узум қарийб икки баробар кўп етиштирилиб, уларнинг сезиларли қисми экспорт қилинмоқда. Аммо гўшт, сут ва тухум етиштириш вилоят аҳолиси талабидан анча паст. Шакар эса бутунлай етиштирилмайди. Чорвачилик маҳсулотлари таъминотининг сустлигини, ҳозирги кунда, чорва озуқаси нархининг жуда баландлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун дон маҳсулотларини етиштиришда чорвачиликнинг талабини ҳам қондиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

1–жадвал

Наманган вилоятида турли йилларда киши бошига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (1987 ва 2018 йиллар)

Қишлоқ хўжалиги экинлари турлари	1987 йилда			2018 йилда			Тиббиёт меъёри	Фарқи
	Майдони, минг га	Ялпи ҳосил, минг т	Киши бошига, кг	Майдони, минг га	Ялпи ҳосил, минг т	Киши бошига кг		
Дон	25,3	81,5	59,1	93,3	483,4	179,0	110	+69
Картошка	3,0	30,5	22,1	5,7	264,3	97,5	97	0
Сабзавотлар	8,1	178,1	129,1	11,5	795,0	294,4	164	+158,1
Полиз экинлари	2,4	35,1	25,4	1,7	76,1	28,1		
Мева-резавор	27,3/ 18,7	66,6	48,3	29,7/ 23,7	267,6	99,1	80	+60,3
Узум	12,8/ 10,1	53,2	38,6	7,6/ 6,9	111,4	41,2	70	-16,8
Гўшт	-	22,4	16,2	-	143	53,2		
Сут	-	155,1	112,5	-	678	250	360	-110
Тухум (млн.дона)	-	91,2	66,1	-	552,6	202,7	243	-40

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Айни пайтда вилоятида пахта ва ғалла экилаётган, паст рентабелли ҳисобланган майдонларда интенсив боғлар, такрорий экин сафатида сердаромад ва тупроқ унимдорлигига сезиларли таъсир кўрсатувчи соя, мош, ловия каби дон-дуккакли экинларни экиш кенг йўлга қуйилган. Келажакда бу жараённи янада кучайтириш лозим.

Бирок, юқорида айтилганидек, вилоятнинг табиий ресурслари чекланган. Масалан, тоғ-кон саноати учун имкониятлар ўта паст даражада. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосий йўналиш бўлиб қолмоқда. Хусусан, мева ва сабзавотларни қуритиш, қадоқлаш ва қайта ишлаш каби янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда талабга қараб экспорт қилишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Вилоятнинг сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш**” деб номланган. Мазкур бобда Наманган вилояти дарёларининг гидрологик кўрсаткичлари ва уларнинг оқимидаги миқдорий ўзгаришлар, вилоятнинг суғориладиган экин майдонларида сувдан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинган.

Гидрологик маълумотлар асосида бажарилган ҳисоблашларга кўра, Наманган вилоятининг сув ресурслари йилига ўртача 17 км³ ни ташкил этади. Бунинг 66 фоизи Норин дарёсига, 26 фоизи Қорадарёга, 5,4 фоизи вилоят ҳудудига Чотқол тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирларидан оқиб тушадиган кичик дарёлар ва сойларга тўғри келади. Вилоят ҳудудига Норин ва Қорадарёдан, ўрта ҳисобда, йилига 15-16 км³ ҳажмда сув кириб келади. Бундай катта миқдордаги сувнинг вилоятга кириб келиши Учкўрғон, Норин, Наманган, Мингбулоқ туманлари, Тўрақўрғон ва Поп туманларининг жанубий қисмларида сув таъминотида камчилик йўқлигини белгилайди. Қолган туманларнинг катта қисми сув таъминотида бироз қийинчиликларга эга. Диссертацияда мазкур туманларнинг сув билан таъминлайдиган Подшоотасой, Чортоқсой, Ғовасой, Косонсой, Чодаксой ва бошқаларнинг гидрологик кўрсаткичлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, дарёлар сув ресурсларининг йиллик миқдорлари ўзгарувчандир. Масалан, Подшоотасойда йиллик оқим миқдори кам сувли йилда 102 млн м³ дан, кўп сувли йилда 281 млн м³ гача, яъни қарийб 3 баробарга ўзгаради. Шу билан бирга диссертацияда Норин, Қорадарё, Ғовасой ва Подшоотасойларда йиллик оқим миқдорларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги, Косонсойда эса, аксинча, бироз камайиш борлиги кўрсатиб берилган. Тренд қийматлари Норинда 3,3 м³/йил, Қорадарёда 0,3 м³/йил, Ғовасой ва Чодаксойда 0,04 м³/йил, Подшоотасойда 0,017 м³/йил, Косонсойда манфий, яъни -0,025 м³/йилни ташкил этган.

Диссертацияда дарёлардан суғоришга олинган сув ҳажми (км³), коллектор-зовурлар орқали дарёларга қуйилган қайтарма оқим ҳажми ва улар орасидаги фарқ, яъни суғоришга сарф бўлган сув миқдори таҳлил қилинган (2-жадвал).

Ҳисоб даврида, яъни 2000-2018 йиллар вилоятда суғоришга олинган сув миқдори мавжуд сув ресурсларининг 13-21 % орасида ўзгариб, ўртача 17 % дан ошмайди. Олинган сувнинг 80-95 фоизи коллектор-зовурлар тизими орқали дарёларга қайтади. Бу қиймат, бошқа ҳудудлар билан солиштирганда, жуда катта миқдордир. Масалан, Қашқадарё ҳавзасида суғоришга олинган сувнинг 27,7 фоизи, Сурхон – Шеробод ҳавзасидан 22,1 фоизигина қайтарма оқимларни ташкил этади (Мурадов Ш.О., 2016).

Наманган вилояти суғориладиган ерларида сувдан фойдаланиш (2000-2018 йиллар)

Йил	Вилоят-нинг йиллик сув ресурси, км ³	Суғориш-га олинган сув, км ³	Коллектор-зовур тармоқлари орқали қайтган сув, км ³	Суғоришга сарфланган сув, км ³	Бирлик майдонга сув сарфи, м ³ /га	Тупроқда-ги намлик, мм, 1 апрель ҳолатига	Ёгин микдори (апрель-сентябрь), мм	Тупроқдаги намлик + ёгин микдори		Суғоришга сарфланган жами сув, м ³ /га
								мм	м ³ /га	
2000	16,7	3,22	2,18	1,04	4400	177	29,7	206,7	2067	6467
2001	15,8	2,99	2,11	0,88	3728	178	8,5	186,5	1865	5593
2002	17,3	2,65	2,00	0,65	2732	176	101,5	277,5	2775	5507
2003	18,8	2,69	2,25	0,44	1877	186	49,8	235,8	2358	4235
2004	20,1	2,93	2,47	0,46	1970	192	43	235,0	2350	4320
2005	20,4	2,74	2,31	0,43	1830	181	63,6	244,6	2446	4276
2006	18,5	2,99	2,43	0,56	2383	196	43,2	239,2	2392	4775
2007	18,6	2,91	2,45	0,36	1532	197	68,3	265,3	2653	4185
2008	14,7	2,58	2,13	0,45	1915	176	29,4	205,4	2054	3969
2009	16,6	2,59	2,47	0,12	515	210	48,3	258,3	2583	3098
2010	20,5	2,73	2,51	0,21	898	173	136,9	309,9	3099	3997
2011	18,2	2,57	2,34	0,23	970	200	42,4	242,4	2424	3394
2012	18,4	2,95	2,54	0,41	1766	193	46,6	239,6	2396	4162
2013	16,8	2,77	2,50	0,27	1153	193	71,2	264,2	2642	3795
2014	17,4	2,73	2,60	0,13	583	199	39,2	238,2	2382	2965
2015	15,3	2,57	2,68	-0,11	-	180	72,1	252,1	2521	2521
2016	15,4	2,88	2,63	0,25	1077	163	126,4	289,4	2894	3971
2017	16,1	3,40	2,65	0,75	3179	208	86,6	294,6	2946	6125
2018	16,5	3,23	2,52	0,71	2991	206	58,6	264,6	2646	5637

Жадвал вилоят Қишлоқ хўжалиги ва Норин-Сирдарё ирригация ҳавза бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Вилоятда суғоришга олинган сув миқдори билан қайтарма оқим орасидаги фарк, яъни суғоришга ишлатилган сув миқдори 121-642 млн м³ оралиғида бўлиб, фақат 2000 йилда 1 млрд м³, 2001 йилда 876 млн м³, 2017 ва 2018 йилларда эса 700 млн м³ дан кўп бўлган.

Дарёлардан олиб суғоришга ишлатилган сув миқдори гектарига ҳисоблаганда, 2000, 2001, 2002, 2006, 2017 ва 2018 йилларда, мос равишда 4400, 3728, 2732, 2383, 3179 ва 2991 м³/га ни ташкил этган. Бу миқдорларнинг суғориш меъёрларига бағишланган илмий-амалий адабиётларда келтирилган (10-13 минг м³/га) қийматлардан кескин камлиги кўриниб турибди. Буни суғориладиган ерларнинг гидрогеологик-мелиоратив шароити билан изохлаш мумкин. Шу жараён ҳисобга олиниб, суғоришга ишлатилган жами сувни ҳисоблашда юқоридаги рақамларга 1 апрель ҳолатига кўра тупроқ қопламида йиғилган намлик ва апрель-сентябрь ойларида суғориладиган ерларга ёққан ёгин миқдори кўшилди. Уларнинг Наманган метеорологик станцияси маълумотлари асосида аниқланган йиллик миқдорлари 1865-3099 м³/га оралиқда ўзгарган (2-жадвал). Натижада суғоришга сарфланган жами сув миқдори 2521–6467 м³/га ни ташкил этган. Юқоридаги рақамлар ҳам сув таъминотини режалаштиришнинг асосий кўрсаткичи бўлган ва бошқа ҳудудлар учун аниқланган қийматлардан, баъзан, 1,5-2 баробар кам. Бу жараённи туманлар бўйича таҳлил қилиш дарёлардан энг кўп (3,4 км³) сув олинган 2017 йил мисолида амалга оширилган (3-жадвал).

3-жадвал

Наманган вилояти туманларида сув ресурсларидан фойдаланиш
кўрсаткичлари (2017 йил)

Туманлар	Суғори- ладиган майдон, га	Олинган сув миқдори, млн м ³		Коллектор- зовурлардан қайтган сув миқдори, млн м ³	Суғоришга сарфланган сув миқдори	
		млн м ³	м ³ /га		млн м ³	м ³ /га
Вилоят бўйича	282150	3400,47	12051	2653,48	746,81	2647
Чортоқ	19448	172,93	8609	72,53	100,40	5162
Янгиқўрғон	26741	164,60	6155	19,23	145,37	5436
Косонсой	23624	153,36	6491	45,17	108,19	4580
Чуст	33319	278,55	8360	33,87	244,68	7344
Поп	39618	946,9	23900	501,82	445,03	11233
Наманган	21439	229,15	10688	196,55	32,6	1520
Тўрақўрғон	18980	184,87	9740	169,39	15,48	816
Учқўрғон	24186	337,12	13938	90,72	246,40	10187
Уйчи	20990	230,36	10975	231,78	-1,42	-68
Норин	15942	211,58	13272	602,13	-390,55	-24498
Мингбулоқ	37863	491,05	12969	690,29	-199,24	-5262

Жадвал вилоят Қишлоқ хўжалиги ва Норин-Сирдарё ирригация ҳавза бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Вилоятнинг Чортоқ, Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Поп, Учқўрғон туманларига 2017 йилда олинган сув миқдори коллектор-зовур тармоқларида шакилланган жами қайтарма оқим миқдorigа нисбатан 2-8 баробар кўп. Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи туманларида эса олинган сув миқдори коллектор-зовур тармоқларидаги қайтарма оқим миқдorigа қарийб тенгдир. Гўёки, экин майдонларига суғориш учун сув сарфланмаётгандай. Аслида, бу туманларнинг коллектор-зовур тармоқларидан чиққан сувнинг катта қисми юқори туманлардан келаётган ер ости сувлари ҳисобига юзага келади. Шу сабабдан вилоятнинг мутлақ баландликлари энг паст бўлган Норин ва Мингбулоқ туманларидаги коллектор-зовур тармоқлари оқим миқдорлари туманга олинган сув миқдorigа қараганда 1,5-3 баробар кўпдир (3-жадвал).

Таҳлиллар натижасида вилоят туманлари орасида Поп тумани сувни энг кўп ишлатиши аниқланган. Вилоятга 2017 йилда олинган сувнинг 25 фоизи шу туман ҳиссасига тўғри келган. Бу ҳолат тумандаги экин майдонларининг сезиларли қисмида шоли етиштириш билан боғлиқдир. Туманда 2017 йилда ҳар бир гектар суғориладиган майдонга ишлатилган сув 11233 м³ га тўғри келган. Қарийб шундай ҳолат Учқўрғон туманига ҳам хосдир.

Диссертацияда вилоят туманлари сувдан фойдаланиш шароитлари бўйича 3 гуруҳга ажратилган. 1-гуруҳга тоғ олди туманлари – Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон ва Поп туманлари киради. Уларга олинган сув миқдори ҳар йили улардан ҳосил бўлган қайтарма оқимдан сезиларли даражада кўп бўлиб, орадаги фарқ суғоришга сарфланган сувни кўрсатади; 2-гуруҳга Тўрақўрғон ва Наманган туманлари кириб, уларда суғоришга олинган сувнинг катта қисми дарёларга қайтади. Суғоришга сарф бўлган сув олинган сувга нисбатан 20 фоиздан ошмайди. Баъзан кўп сувли йилларда, қайтарма оқим суғоришга олинган сувдан кўп бўлиши мумкин; 3-гуруҳга Уйчи, Норин ва Мингбулоқ туманлари киритилиб, уларда ҳар йили қайтарма оқим суғоришга олинган сувдан кўпдир (3-жадвал).

Вилоят бўйича олиб қаралганда, ҳар йили суғоришга олинган сув 2,5-3,4 млрд м³ ни ташкил этган, 2015 йилда вилоят миқёсида қайтарма оқим суғоришга олинган сувдан 103 млн м³ кўп бўлган ҳолати ҳам кузатилган. Қолган йилларда олинган сувнинг 78-95 фоизи дарёларга коллектор-зовурлар орқали қайтган. Дарёлардан олиниб, суғоришга сарфланган энг кўп сув миқдори 2017 йилда кузатилиб (746,81 млн м³), ҳар бир гектар суғориладиган майдонга 2647 м³ дан тўғри келган.

Вилоятнинг ўзига хос гидрологик-мелиоратив хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бундай ҳолатлар келажакда суғоришни режалаштиришда албатта инobatга олиниши лозим.

Диссертациянинг **“Суғорма деҳқончиликда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни экологик оптималлаштириш имкониятлари”** деб номланган **тўртинчи боб**ида суғорма деҳқончилик таъсири натижасида тупроқлардаги ўзгаришлар ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни экологик оптималлаштириш имкониятлари масалалари тадқиқ этилган. Республикамизда катта майдонларда пахта етиштирилиши ва, бунинг

орқасида, сувдан фойдаланишда йўл қўйилган исрофгарчилик охир-оқибат катта миқёсда ер деградациясига олиб келиши Наманган вилояти мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Бу ҳолат, айниқса, экин экиладиган ерларининг шўрланиши ва ер ости сувлари юзасининг кўтарилишида кучли сезилмоқда. Бу жараёндан фақат экин майдонлари эмас, балки Нукус, Қўқон, Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Бухоро, Зарафшон, Навоий, Хива каби шаҳарлар, шулар қаторида Наманган шаҳри ҳам катта зарар кўрмоқда. Наманган шаҳрида бу жараён бино ва иншоотларнинг пойдеворлари шўрланишига, муҳандислик конструкциялари турли даражадаги деформацияларига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотда мазкур масала Наманган вилоятининг учта туманлари мисолида кўриб чиқилган (4-жадвал).

4-жадвал

Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида ҳолатига шўрланиш бўйича “Ўздаверлойиҳа” институти “Тупроқ бонитировкаси” шўъба корхонаси ҳамда Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотларини таққослаш (2017 йил)

Туманлар	Маълумот берувчи ташкилот	Суғориладиган майдон, га	Жами шўрланган майдон		Шўрланганлик даражаси					
					кучсиз		ўртача		кучли	
			га	%	га	%	га	%	га	%
Чуст	Ўздаверлойиҳа	27841	7461,4	26,8	4960,5	17,8	2314,8	8,3	186,1	0,7
	Қ/х бошқармаси	33319	627,1	1,9	367,1	1,1	238,9	0,7	20,7	0,06
Поп	Ўздаверлойиҳа	33273	19896	59	9724,5	29,2	7174,6	21,6	2996,9	9,0
	Қ/х бошқармаси	39618	7810	20	4883,7	12,3	2316,6	5,8	609,7	1,5
Мингбулоқ	Ўздаверлойиҳа	34753	26543	76,3	10785,0	31,1	13673,7	39,3	2084,2	6
	Қ/х бошқармаси	37863	15368,7	40,5	11449,2	30,2	3804,9	10	114,6	0,3

Жадвал вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва “Ўздаверлойиҳа” институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Туманлар орасида ерларнинг энг катта шўрланганлиги Мингбулоқ (40,5%), Поп (20%) туманларига тўғри келади. Косонсой туманининг тоғолди худудларда жойлашганлигига қарамай, 10% суғориладиган ерлари шўрлангандир. Норин ва Учқўрғон туманларининг ерларида шўрланганлик қайд этилмаган. Маълумотлари таҳлил қилинган 2017 йилда Наманган, Тўрақўрғон ва Уйчи туманларида фақат кучсиз шўрланган ерлар мавжуд бўлса, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Косонсой туманларида эса кучли шўрланган ерлар 2017 йилда учрамаган.

Тадқиқотда туманлар бўйича 2017 йил маълумотлари 2010 йилда нашр этилган “Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари Атласи”даги

келтирилган нисбий кўрсаткичлар билан солиштирилган. Таққослаш натижалари улар орасида жуда катта фарқлар мавжудлигини кўрсатган. Туманларда 2017 йилда жами шўрланган ерлар суғориладиган майдонларнинг 0 - 40,5 фоизини, Атлас маълумотлари бўйича эса 6,5- 83 фоизни ташкил этган. Бу ҳолат асосан Сирдарё бўйларида жойлашган, экин экиладиган ерлари кўп бўлган Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон туманларига тааллуқлидир.

Диссертацияда 2017 йилда Ўзбекистон Давлат ер тузиш илмий лойиҳалаш институти Ўздаверлоийҳанинг “Тупроқ бонитировкаси” шуъба корхонаси тамонидан тузилган Наманган вилоятининг суғориладиган ер майдонларининг шўрланиши картаси ҳам таҳлил қилинган. Унда келтирилган маълумотлар ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги маълумотларидан катта фарқ қилади. “Тупроқ бонитировкаси” корхонасининг маълумотлари бўйича шўрланиш даражаси анча юқори бўлиб, бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ишда зарур чоралар тезлик билан кўриш лозимлиги қайд этилган.

Энг хавотирли томони шундаки, тадқиқотда тупроқларида шўрланиш кўрсаткичи катта бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида озиқ-овқат ҳазм қилиш органларининг саратон касаллиги сезиларли даражада кўпроқ эканлиги кўрсатиб берилган.

Вилоятнинг 16% майдони текислик ва нишаблиги кичик (1⁰ дан паст) бўлиб, бу ерлар сув эрозиясига қарши тадбирлар ўтказишни талаб қилмайди. Вилоятда нишаблиги 1-3⁰ ли майдонлар 25 % ҳудудни эгаллаган бўлиб, бу ерларда суғорма деҳқончиликни амалга оширишда тупроқ эрозиясига қарши эҳтиёт чораларини кўриш лозим.

Нишаблиги 5⁰ дан юқори ҳудудлар эса вилоятда 215 минг гектарни эгаллайди ва бу майдонлардан фойдаланишда тупроқ эрозиясига қарши махсус агротехник тадбирлар ўтказилиши лозим. Айниқса, баҳор ва ёзнинг биринчи ярмида тез-тез кузатиладиган жала ёмғирлар ҳайдалган тупроқларнинг устки унумдор қатламини ювиб кетиши дала шароитида ўтказилган тажрибаларда аниқланган.

Вилоятда суғорма деҳқончиликнинг кучли салбий оқибатларидан яна бири - сизот сувлари сатҳининг кўтарилишидир. Бу жараён одатда, экин майдонларини деградацияга олиб келувчи яна бир омилдир. Наманган вилояти ҳудудида ер ости сувлари сатҳининг 10 йилликлар бўйича ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Натижада ер ости сувлари сатҳининг фақат Сирдарёга яқин ерларда эмас, балки денгиз сатҳидан 700-950 м баланд жойларда ҳам кўтарилиб бораётгани аниқланган, бу ҳолат айниқса ташвишлидир.

Маълумки, капилляр кучлар таъсирида юқори тамон ҳаракатланадиган сувнинг ер сиртида буғланиши натижасида, унинг таркибидаги эриган тузлар ер бетиде қолади. Таҳлиллар натижасида 2018 йил ҳолатига кўра, вилоятнинг 111 000 гектар майдонида сизот сувларнинг 3 метрдан, 82 000 гектарида эса 2 метрдан юқорида эканлиги аниқланган. Вилоятда жараёнга қарши тезкор чоралар кўриш лозимлиги тадқиқотда алоҳида таъкидланган.

Суғорма дехқончиликнинг бундай салбий оқибатларининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг озик-овқат маҳсулотлари билан оптимал таъминлашни амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- 1) экин майдонларини иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган экин турлари бўйича оқилона тақсимлашни;
- 2) ушбу тақсимотда вилоят аҳолисига зарур озик-овқат турларини ҳамда уларнинг кунлик тиббиёт меъёрларини ҳисобга олишни;
- 3) экин майдонларини маҳаллий ўғитлар билан тўла таъминлашни назарда тутишни;
- 4) сув тақчил бўлган ҳудудлар асосан боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштиришни;
- 5) пахта етиштиришнинг ва унинг тайёр маҳсулот даражасига етказиб, қайта ишлашнинг иқтисодий самараси катта эканлигини ҳисобга олиб, ундан юқори ҳосилдорликни (45-50 ц/га)ни таъминлаш ва бошқалар.

ХУЛОСА

1. Наманган вилояти табиатининг ўзига хослиги ҳудуда текислик, адирлар, адирорти ва тоғолди текисликлари, ўртача ва баланд тоғлар минтақаларининг мавжудлиги, уларнинг жанубдан шимолга тамон кетма-кет жойлашганлиги ва баландликлари ортиб бориши билан аниқланади. Вилоят иқлими қуруқ, субтропик минтақада жойлашган. Ўртача йиллик ёғин миқдори 200 – 400 мм, баланд тоғ қисмида 800-1000 мм гача етади. Ҳаво ҳарорати ҳозирги иқлим ўзгариши даврида барча ойларда илиб бормоқда: илиш тренди иссиқ ойларда кичик, совуқ ойларда каттароқ, масалан, январь ойида йилига ўртача 0,05 °C ни ташкил этган. Ёғин миқдорининг тренди ҳам мусбат бўлиб, йилига 0,3 мм ни ташкил этган ва асосан куз ойлари ҳисобига юз бермоқда. Бироқ, ёғин миқдорининг бу кўпайиши умумий ёғин миқдорида қарийб сезилмайди, дехқончилик асосан суғоришга асосланган.

2. Дарёлар оқимидаги ўзгаришлар ўртача йиллик оқимнинг хронологик графиклари таҳлили асосида ўрганилган Норин, Қорадарё, Ғовасой ва Подшоотасойларда йиллик оқим миқдорларининг кўпайиб бораётганлиги, Косонсойда эса бироз камайганлиги аниқланган. Ҳисоб даври учун аниқланган тренд қийматлари Норинда 3,3 м³/йил, Қорадарёда 0,3 м³/йил, Ғовасой ва Чодаксойда 0,04 м³/йил, Подшоотасойда 0,017 м³/йил, Косонсойда -0,025 м³/йил, Сирдарёнинг Жомашуй гидропостида 4,06 м³/йил, Оқжар гидропотида эса 4,7 м³/йилни ташкил этади. Дарёлардан вилоят ҳудудига кириб келадиган оқим миқдори 9 км³ дан 30 км³ гача ўзгарган. Йиллик оқим ҳажми 2000 йилдан кейинги даврларда бу 14,7 - 20,5 км³ оралиқда ўзгарган.

3. Вилоятга 2000-2018 йилларда суғориш учун олинган сув миқдори мавжуд сув ресурсларининг 13 - 21 % оралиғида бўлиб, ўртача 17% ни ташкил этган. Олинган сувнинг 80-95 фоизи коллектор-зовур тизими орқали дарёларга қайтиши аниқланган. Шу сабабли вилоят экин майдонларида тезлик билан сувтежамкор технологияларни жорий этиш зарур. Бу тадбир

йилига вилоятда 2-2,5 млрд м³ сувни тежаб қолиш имконини беради. Бир м³ сувни экин даласига етказиш учун ўртача 200 сўм сарфланишини ҳисобга олсак, бу 400-500 млрд сўмни тежаб қолиш демакдир.

4. Суғоришга олинган сувнинг кўплиги экин майдонларида иккиламчи шўрланишни кучайтирмоқда. Вилоятнинг айрим туманларида 1 га экин майдонига, республикадаги каби, 10000 м³ дан кўп сув берилмоқда. Бу сувнинг таркибида 500 мг/л (0,5 г/л) эриган моддалар бўлса, 1 м³ сувда 0,5 кг, 10000 м³ сувда 5000 кг бўлади ва иккиламчи шўрланишни кескин кучайтиради. Шу сабабли экин майдонларини суғоришни тезкор тарзда замонавий технологияларни қўллаш асосида томчилатиб суғоришга ўтказиш зарур. Натижада вилоятнинг ҳудудларида кузатилаётган айрим тупроқ деградацияси жараёнларининг олди олинади.

5. Вилоят ҳудуди туманлардаги экин майдонларини суғоришга олинган сувнинг сарфланиши бўйича 3 гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон ва Поп туманлари киритилган. Уларда ҳар йили суғоришга олинган сув, экин майдонларида ҳосил бўлган қайтарма оқим миқдоридан кўп; 2-гуруҳни Тўрақўрғон ва Наманган туманлари ташкил этган. Бу туманларда суғоришга олинган сувнинг катта қисми дарёга қайтади. Суғоришга сарфланган сув олинган сувнинг 20 фоизидан ошмайди, лекин баъзи йиллари қайтарма оқим олинган сувдан кўп бўлади; 3-гуруҳга бирлашган Уйчи, Норин ва Мингбулоқ туманларида қайтарма оқим миқдорининг суғоришга олинган сувдан кўплиги аниқланган. Бу ҳолат вилоятда суғориш тизими ҳамда коллектор-зовур тармоқларини эксплуатация қилиш ишларини тубдан қайта ташкил этишни талаб этади.

6. Қишлоқ хўжалиги майдонларида экин турларини жойлаштиришни режалаштириш ишлари аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тиббиёт меъёрлари талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозимлиги асосланган.

7. Вилоятда аҳолининг гўшт, сут маҳсулотларига бўлган табларини тўла қондириш мақсадида экин экиладиган ерларнинг 40 – 45 фоизини чорва учун озуқабоп экинларга ажратиш зарурлиги асослаб берилган ва таклиф этилган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши келажакда вилоятдаги мавжуд экин майдонларидаги тупроқ унумдорлигини нафақат тикланишини, балки уни оширишни ҳам таъминлайди. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА
НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

УМУРЗАКОВА УМИДА НОСИРЖОНОВНА

**ВОЗМОЖНОСТИ ОПТИМИЗАЦИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ЗЕМЕЛЬНЫХ И ВОДНЫХ РЕСУРСОВ НАМАНГАНСКОГО
ВИЛОЯТА**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/Gr52

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-сайте Научного совета (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Камалов Баходир Асомович

доктор географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хикматов Фазлиддин Хикматович

доктор географических наук, профессор

Тухтаева Хабиба Тошевна

кандидат географических наук, (PhD)

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет.

Защита диссертации состоится 29 декабря 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Телефон:(99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (регистрационный № ___). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан 19 декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 36 от 19 декабря 2021 года).

Н.И.Сабитова

Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Ученый секретарь разового Научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Таджиева

Председатель разового Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с процессом глобального потепления и увеличением численности населения увеличиваются нужды в земельных и водных ресурсах, что в свою очередь приводит к их растущей нехватке. В отчете ООН о целях в области устойчивого развития говорится, что «...деградация земель и плодородие почв продолжают снижаться, и этот процесс не только препятствует развитию всех стран, но и угрожает их безопасности»¹. Растущая нагрузка на земельные и водные ресурсы диктует необходимость исследования путей охраны и их рационального использования.

Особый приоритет в мире уделяется исследованиям в этом направлении, включая применение водосберегающих методов орошения в сельском хозяйстве, предотвращение эрозии и засоления орошаемых земель, восстановление и повышение продуктивности за счет улучшения их мелиоративного состояния, применение интенсивных агротехнологий, требующих мало воды. Также в настоящее время важную роль играют научные исследования, направленные на выявление возможностей оптимизации использования земельных и водных ресурсов в сельскохозяйственных целях, и их применение на практике.

В Республике проводится ряд реформ в сфере охраны окружающей среды, экономии воды и водных ресурсов и повышения эффективности их использования, широкого применения информационных и коммуникационных технологий в данной сфере и достигнуты значительные результаты. В «Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года № ПФ-5863, определены задачи по «защите вод, земель, почв от антропогенных и других воздействий на окружающую среду, замена использования минеральных удобрений в сельском хозяйстве на органические удобрения»². В связи с этим, при использовании земель и воды в частности, в Наманганском вилояте необходимо учитывать особенности рельефа, почвы и грунтовых вод его территории, а также проведение научных исследований по решению экологических проблем, вызванных орошаемым земледелием имеют особое значение.

Диссертационное исследование служит в определенной степени выполнению задач, намеченных Указом Президента Республики Узбекистан ПФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» и УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», Постановления № ПП-4941 от 12

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года.

www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/

² Указом Президента Республики Узбекистан ПФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года».

января 2021 года «О мерах по развитию плодовоовощеводства и виноградарства в Касансайском, Чартакском, Янгикурганском районах Наманганского вилоята» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

